НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

85
С-55

# ЁШ МУСАВВИР

*(Методик қўлланма)*



ТОШКЕНТ – 2016

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

10.11.2020
15.02.2021

85,
С.55.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# ЁШ МУСАВВИР

*(Методик қўлланма)*



0912

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2016

**Тузувчилар:**
**Х.Султанов, Д.Адилова, С.Исломова**

**Муҳаррирлар:**
**Б. Тўхлиев** – филология фанлари доктори, профессор
**С. Абдирасилов** – педагогика фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**
**Б. Бойметов** – педагогика фанлари номзоди, профессор
**Н. Абдуллаев** – миллий рассомлик ва дизайн институти доценти

Ушбу методик қўлланмадан АЛ ва КҲК ва Олий таълим муассасалари тасвирий ва амалий санъат ўқитувчилари ва тўгарак раҳбарлари фойдаланиш имконияти мавжуд.

Қўлланмада талабаларнинг бадиий-ижодий фаолиятини ташкиллаштиришнинг долзарб муаммолари ёритилган бўлиб, тўгараклар учун бадиий ижодкорлик дастурлари ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш баён қилинган.

Методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" таълим йўналиши тўгарак машғулотларида ишланган мустақил бадиий тажрибаларига таяниб жамланган.

Мазкур методик қўлланма ИДТ А-1-118 рақамли давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Ушбу методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув услубий Кенгашининг 2016 йил 12 майдаги № 11- сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интелектуал салоҳиятини ривожлантириш, унинг муносиб маънавий олам эгаси бўлиб камолга етказиш муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчи-ёшларимизнинг онгли фаолиятини тўла қамраб олиши зарур. Президентимиз таъкидлаганидек, "...мактаб, лицей ва коллежларда болаларимиз онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ёшларни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим".

Тўгаракларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у тўлиқ ихтиёрийлик асосида тўгарак иштирокчиларининг ташаббус ва қизиқишларига кўра ташкил этилади. Унда мажбурлаш, зўрлаш тўгаракнинг асл моҳиятини йўққа чиқаради.

Психолог мутахасислар тўгаракнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур бўладиган руҳий-маънавий ходиса ва ҳолатлар тавсифини беришган. Бунинг учун дейлик, "Тўгарак сиз учун кўпроқ нимаси билан қизиқарли?" деган савол қўйилади. Бу саволга тўғри ва холис жавобни олиш тўгарак фаолияти ҳақидаги ҳаққоний тасаввурларнинг шаклланишида имкон беради. Шунингдек, уларнинг билимларини чуқурлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш, такомиллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари талабалар ўртасида ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, ўз фаолиятини тўғри ташкил этишга ўргатиш, мунтазам равишда фан янгиликларини билиб бориш, мустақил ва ижодий иш кўникмасини ўзлаштириш имконини беради.

Тўгаракка қўшимча адабиётлар билан эркин ўз ташаббуси ва ихтиёри асосида шуғулланиш имконияти кўпроқ бўлишини эътироф этиш керак. Бу талабаларда ўзи қилаётган ишдан қаноат ҳосил қилишга, ундан завқланишга олиб келади. Кўтаринкилик, янги ва яхши иш қилишга бўлган иштиёқ тегишли қизиқишлар билан биргаликда талаба шахсининг шаклланишига, ундаги қатор ижобий фазилатларнинг мунтазам тарзда ривожланиши ва камол топишига олиб келади.

бадиий таълим жараёнининг энг асосий вазифаси саналади. Тасвирий санъат шахсга ўзига хос бадиий образли воситалар билан таъсир қилувчи, ундаги ижодкорлик хислатларини ривожлантирувчи улкан тарбиявий имкониятларига эга бўлиб, булар:

-талабалар ва ўсмирларнинг борлиқни яхлит тасаввур қилиш ҳиссиётларини шакллантириш;

-ўзлигини англаш ҳисларини шакллантириш;

-миллий тарихий маданиятимизни қадрлашга ўргатиш;

-маънавий етуклигини ошириш;

-ўз ҳудуди, республика ва умумжаҳон санъати ва анъанавий миллий қадриятлари билан таништириш;

-талабани қўшимча билим олишга қизиқишининг ривожланиши;

-тенгдошлари, катта ёшдаги юқори курс талабалари билан ўзаро кириши кетишга мўлжалланган ижтимоий мослашувчанлик;

-ижодий имкониятларининг кенгайиши, муомала маданиятининг ривожланишига туртки бўлади.

Тўгаракларлардаги таълим жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хослиги (амалиётга мўлжалланган ишларнинг кўплиги) талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш, санъат ва маданият соҳаси бўйича янгиликлардан хабардор қилиш, мулоқот қилиш тажрибасини бойитиш, ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини кучайтиришга мўлжалланган умуммаданият даражасидаги дастурларни қўллашга имконият яратади.

## "ЁШ МУСАВВИР" ИЖОДИЙ ТЎГАРАГИНИНГ МАҚСАДИ

Ҳозирги глобаллашган, ташқи маънавий таҳдидлар кучайган, ахборот технологияларнинг ривожланиши, мобил телефонлар имкониятларининг ошиб бораётганлиги ёшларга билим олиши учун қулай шароитлар яратиш билан бир қаторда зарарли одатларнинг кўпайишига ҳам олиб келмоқда. Улар ҳар бир муаммонинг ечимини интернет сайтларидан қидириб, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишмоқда. Бу ҳозирги ёшларни маънавий етук шахс сифатида тарбиялашдаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун тўгаракларга ёшларни жалб этиш ва қизиқтириш педагогларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.



Узлуксиз таълим тизимидаги ўқувчи ва талаба-ёшларнинг истеъдоди, қобилиятини ривожлантириш, тасвирий санъат орқали юксак маънавиятли шахсни шакллантириш талабалардаги ижодий салоҳиятни кўтариш билан бирга юқори малакали ва маҳоратли ижодкор истеъдодли ёшларнинг иқтидорини юксалтириш ва уларнинг амалий ва тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

## "ЁШ МУСАВВИР" ИЖОДИЙ ТЎГАРАГИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Талабаларнинг тасвирий санъат воситасида тўлақонли ва ҳар томонлама чуқур маънавий тарбия олишлари учун тўгарак вазифаларини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек талабалар бу машғулотларда ўз ижодий имкониятларини синаб кўриш, билимларини бойитиш имкониятига ҳам эга бўлишади. Талабалардаги шахсий қобилиятлар ёрқинроқ намоён бўлади ва белгиланган вазифалар қуйидагича режалаштирилади:

- миллий анъаналар удумларга хос тасвирий ва амалий санъат асарлари яратиш, миллий рассомлар ижодини ўрганиш, улардан таъсирланиб яратган ўз асарлари воситасида Ватанга садоқат, бағрикенглик ва инсоний фазилатларни шакллантириш;

- Республика, шаҳар, университет миқёсида ўтказиладиган санъат фестиваллари ва кўрик-танловларида иштирок этиш бўйича талабаларнинг ижодий кўникмаларини шакллантириш ва фаол иштирок этишларига кўмаклашиш, ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш;

- тасвирий санъат фанига таалуқли олимпиадаларда иштирок этиш учун тайёргарлик кўришга ёрдамлашиш;

- гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши ўтказиладиган конкурсларда ижодий плакатлари билан қатнашиш;

- тасвирий санъат асарлари орқали ёшлар орасида она заминга, мустақиллигимизга бўлган муҳаббатни кучайтириш, уларни маданий меросимизни, халқимизнинг урф-одатларини асраб авайлаш руҳида тарбиялаш;

- талаба-ёшларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи ташаббускорлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик ғоялари руҳида тарбиялаш;

## ТЎГАРАК ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ НАТИЖАЛАРИ

Талабалар фаолиятини кузатиш, талабалар ижодиёти кўргазмасида анкета орқали, талабалар ва уларнинг ота-оналари билан оғзаки сўровлар ўтказиш уларнинг ижодий ишларини таҳлил қилиш, баҳолаш жараёни орқали қуйидагича амалга оширилади.

-берилган вазифани бажаришда ҳар хил усуллардан фойдаланиб моҳиятини очиб бериш;

-ўзига хослик;

-материалда ишлашдаги нозиклик;

-ишни тоза ва аниқ бажариш;

-муаллифнинг ўз ишига муносабати каби мезонларда баҳоланади.

Талабалар билан ишга тайёргарлик жараёни ўқув жараёнидан аввал бошланади. Тўгарак раҳбари томонидан бадиий ижодкорлик машғулотларининг асосий мавзуларини умумий иш режага мослаб ишлаб чиқилади. Аввалдан кўргазмали қуроллар, методик материаллар, қўшимча адабиётлар, ижодий ишлар намуналари, тасвирий санъат материаллари ва аслаҳаларини тайёрлаб қўйилиши керак. Тўгарак фаолиятига оид дастлабки дастур талабаларнинг ёш қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда (тасвирий санъат, амалий безак санъати ёки бадиий меҳнат) бир неча хил вариантларда тузиб чиқилади.

Тўгаракнинг биринчи иш кунида талабалар қизиққан нарсалари ҳақида, тўгаракда қандай машғулотлар ўтиши, унда ишлатиладиган материаллар, тўгарак аъзоларининг ютуқлари ҳақида маълумотлар бериб, хоҳловчиларни аъзоликка қабул қилиб "очиқ эшиклар куни" ни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Тўгаракда машғулотлар ҳафтасига 2-3 марта 4 соатдан бўлиб, қатнашувчилар сони 15тадан ошмаслиги керак.

Машғулотлар махсус хоналарда, яхши ҳаволи кунларда ташқарида очиқ ҳавода ўтилиши мумкин. Машғулот ўтказиладиган хона ҳаво алмашиб турадиган, яхши ёритилган бўлиши керак. Унда стол, стул, мольбертлар стендлар ёки кўргазмали қуролларни илиб қўйиш учун махсус қурилмалар бўлиши, асбоб-анжомларни, тайёр ишларни сақлаш учун шкаф бўлиши лозим. Хона қандай бўлишидан қатъий назар раҳбар уни сув учун чиройли банкалар, парда, кўргазмали қуроллар, репродукциялар, китоблар ёрдамида шинам қилиб қўйиши мумкин. Мўйқалам, бўёқ бошқа материаллар учун албатта токчали шкаф бўлиши лозим. Кейинчалик англашилмовчилик бўлмаслиги учун ҳар бир тугалланган ишга муаллиф исми шарифи,



бажарилган куни ёзиб қўйилади. Бу кўргазма уюштирилган вақтда ҳам қўл келади. Жамоавий ижод қилиш жараёнида (деворий газета, плакат, реклама паннолари ишлаш) столларни қўйиш ҳам катта аҳамиятга эга, уларни бир бирига қараб қўйиш керак, шунда столнинг икки томонидагилар бир-бири билан мулоқотда бўлишлиги, сув идишлари, бўёқлардан биргаликда фойдаланишлари мумкин бўлади. Ўртада бўёқлар ва сувли идишлар қўйилади, бўёқлардан ҳамжиҳатликда фойдаланиш ҳар хил курслардан келган талабаларнинг бир-бири билан мулоқотта киришиб кетишига ёрдам беради. Агар битта столнинг икки томонига ўтиришнинг имкони бўлмаса, талабалар юзма-юз ўтиришлари учун иккита столни бир-бирига қаратиб қўйиш ҳам мумкин.

Хона ва залларни безаш учун имкон қадар талабалар ижодий ишларидан фойдаланиш керак. Айнан улар ишларининг амалий аҳамияти ҳақида таъкидламоқ, талабалар ижодий фаолиятларидаги фаолликларининг ошишига асос бўлиб хизмат қилади. Семестр охирида тўгарак аъзолари ишларидан ҳисобот кўргазмаси ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир ишда иш номи, муаллиф исми-шарифи, бажарилган вақти қайд этилган ёрлиқ бўлиши зарур. Кўргазмани ташкил этишнинг энг маъсулиятли даври бу унинг асосий ғоясини, кўргазманинг номини аниқлаш ҳисобланади. Бунда барча аъзолар қатнашиб, ўз фикрларини айтиши муҳим. Кейин кўргазмани ташкил этишдаги ташкилий ишларни аъзолар ўртасида ўзаро бўлиб олиш керак. Энг яхши ишларни эсдалик совғалари қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ТЎГАРАК ДАСТУРНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

Талабаларнинг композиция фани бўйича билимларини янада чуқуррок ўзлаштиришларида ўқитишнинг илғор ва замонавий технологияларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларини татбиқ қилиш муҳимдир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ва маъруза матнлари, электрон адабиётлар ва тасвирлар, электрон материаллар, тасвирий санъат атрибутларидан тўла фойдаланилади. Етук ўзбек ва хорижий тасвирий санъат усталарининг жаҳон миқёсида тан олинган санъат асарлари намуналари, ҳамда методик жиҳатдан мукаммал репродуктив ишлари; замонавий компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ташкил этиш; постановкаларни ташкил этишда фойдаланиш. Буюк санъат усталари ва уларнинг ижод

этиш жараёнларини акс эттиришга бағишланган кино ленталари, чоп этилган намуна ва электрон версияларидан кенг фойдаланилади.

**Қўллаш:** машғулот тажрибали санъатшунос олимлар, таниқли рассомлар, маданият соҳаси мутахассислари билан биргаликда **интерфаол** методлардан фойдаланиб олиб борилади.

**Натижа:** талабаларда юксак ахлоқий-маънавий фазилат бўлган бадиий асарни тушуниш, ундаги маънавий қадриятлар талқинини англаш, уни қадрлаш, эъзозлаш, ижодкорлик жараёнини тушуниб етиш малакалари камол топади.

**Таянч иборалар:** тасвирий санъат, натюрморт, жанр, ранг, гўзаллик, бадиий дид.

## "Ёш мусаввир" ижодий тўгарагини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш

1. Тўгарак факультет декани тавсияси асосида ташкил этилиб, унга тажрибали профессор-ўқитувчи раҳбарлик қилади ва масъул проректор, факультет декани назорати остида доимий таҳлил қилиб борилади.
2. Тўгарак раҳбарининг ваколатлари:

- тўгарак режасига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш ташаббуси билан чиқади;
- тўгарак иштирокчилари сонини белгилайди;
- тўгарак ваколатларини ва унинг асосий фаолият йўналишларини белгилайди.
- тўгарак аъзолари томонидан тақдим этилган дастурий ҳужжат, лойиҳаларни муҳокама қилади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади;
- тўгарак фаолиятини такомиллаштиришга доир турли таклиф ва ташаббуслар билан чиқади;

3. Тўгарак раҳбарида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим;

- Олий таълим мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламида қайд этилган тўгаракларни ташкил қилишга қўйилган талаблар;
- тўгарак дастурини тузиш бўйича услубий тавсиялар;
- маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқланган тўгаракнинг йиллик иш режаси;
- тўгарак иштирокчиларининг рўйхати;

Тўгарак хусусиятидан келиб чиқиб, ўтказилган йиғилиш баённомалари;



***"Ёш мусаввир"* тўгараги дастурини ўзлаштириш натижасида талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар:**

-тасвирий санъат, амалий санъат ва унинг турлари, уларнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамияти;

-теварак атрофдаги юз бераётган ўзгаришлар, миллий урф-одатлар, кийимлар, байрамлар;

-тасвирий санъат ва бошқа санъат турларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида билиш;

-миллий санъат намуналарини бошқа халқ санъатидан, ўз ҳудуди санъат намуналарини бошқа ҳудуд санъат асарларидан фарқлай олиш;

ижодий иш фаолиятларида тасвирлаш тили ва бажаришдаги чизиқлар жозибадорлиги имкониятларини қўллай олиш;

Тўгаракнинг талаба ҳаётидаги аҳамияти ҳамда унинг ўрнини аниқлаш бўйича ўтказилган анкета саволлари ҳар семестр охирида қуйидаги тартибда ўтказилади:

## АНКЕТА СЎРОВНОМАЛАРИ

Исми шарифингиз ____________________

1. "Ёш мусаввир" тўгарагининг аҳамияти қандай?

______________________________

______________________________

2. "Ёш мусаввир" тўгарагида яратилган шароит сизга маъқулми?

______________________________

______________________________

3. Тўгаракдаги қандай машғулотлар сизга ёқади?

______________________________

______________________________

4. Тўгарак машғулотлари қандай ташкил этилган?

______________________________

______________________________

5. Тўгаракда қандай мавзуларда машғулот ўтилишини ҳохлайсиз? Қаламтасвир (1), рангтасвир (2), композиция (3), граттаж (4), коллаж (5), оригами (6), ошибана (7), квиллинг (8)

___

6. Қанча ижодий ишлар қилдингиз, улар ўзингизга маъқулми?

___

7. Тўгаракда олган билимларни педагогик фаолиятингизда қўллай олишингиз мумкинми?

___

8. Тўгарак машғулотларини ўтишда қандай камчиликлар сездингиз?

___

9. Тўгаракнинг янада қизиқарли бўлиши учун нималарни таклиф қилган бўлардингиз?

___

10. Ўзингиз ҳам тўгарак очишни ҳохлайсизми?

___



**“ЁШ МУСАВВИР” ТЎГАРАГИНИНГ ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИ**
**(НАМУНА)**

| № | Белгиланган чора - тадбирлар | бажариш муддати | масъул | кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|
| | **I.Ташкилий ишлар** | | | |
| 1. | I-курсга қабул қилинган талабаларини тўгарак машғулотларига жалб қилиш | сентябрь | тўгарак раҳбари | тўгаракнинг ижодий фаолиятини шакллантириш |
| 2. | Тўгарак машғулотларини ўтказиш учун махсус жиҳозланган хона ташкил қилиш | сентябрь | факультет декани билан ҳамкорликда | тўгарак машғулотларини ўтказишга шарт-шароит яратиш |
| 3. | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалардан ижодий гуруҳ ташкил қилиш | сентябрь | тўгарак раҳбари, гуруҳ мураббийлари | тўгарак ишидаги фаолликни ошириш |
| 4. | Тўгарак учун керакли санъат атрибутларини тўплаш | ўқув йилининг I-ярим йиллиги | факультет раҳбарлари билан ҳамкорликда | иштирокчилар учун кулайликлар, шарт-шароитлар яратиш |
| 5. | Тўгарак машғулотлари учун ижодий ишлар режаси ишлаб чиқиш | сентябрь | тўгарак раҳбари | тўгаракнинг фаолиятини режа асосида шакллантириш |
| | **II. Ижодий ва амалий ишлар** | | | |
| 1. | Тўгарак қатнашчилари ижодий ишларидан кўргазмалар ташкил қилиш | ўқув йили давомида | маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, ўқув услубий бошқармани нг маъсул методисти, факультет декани ва тўгарак | тўгарак қатнашчиларини қўллаб-кувватлаш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | раҳбари ҳамкорликига | |
| 2. | Республика, шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли кўрик- танловларда иштирок этиш учун тайёргарлик ишларини олиб бориш | ўқув йили давомида | тўгарак раҳбари факультет раҳбарлари билан ҳамкорликда | тўгарак иштирокчиларин и амалий ишларини тарғиб қилиш ва иқтидорли талабаларни қўллаб-кувватлаш |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси томонидан уюштириладиган “Тасвирий санъат” фестивалида иштирок этиш | ўқув йилининг II–ярим йиллигида | маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, ўқув услубий бошқарма маъсул методисти, факультет раҳбарлари ва тўгарак раҳбари ҳамкорликда | Республика миқёсида истеъдодли ёшларни қўллаб-кувватлаш ва тарғиб қилиш |
| **III. Маънавий - маърифий ва маданий ишлар** | | | | |
| 1. | Университет, Республика, шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли тадбирларда иштирок этиш | ўқув йили давомида | тўгарак раҳбари факультет раҳбарлари билан ҳамкорликда | турли тадбирларда тўгарак аъзолари иштирокини таъминлаш |
| 2. | Тўгарак аъзолари билан бадиий кўргазмалар ва Ўзбекистон Давлат санъат музейига ташриф этиш | ўқув йили давомида | тўгарак раҳбари факультет раҳбарлари билан ҳамкорликда | бадиий кўргазмаларда иштирок этиш |
| 3. | Таниқли устоз рассомлар ижодий устахоналарига ташриф уюштириш | ўқув йили давомида | тўгарак раҳбари факультет раҳбарлари билан | “Авлодлар ижодий учрашуви”ни ташкил қилиш |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | ҳамкорликда | |
| 4. | Турли корхона ва ташкилотлар, университет факультетларида “Ижодий учрашув” ва “Ҳисобот кўргазмалари уюштириш” | ўқув йили давомида | маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, факультет декани, тўгарак раҳбари билан ҳамкорликда | ижодий ишлар тақдимотини ташкил этиш |
| **IV. Ташкилий услубий ишлар** | | | | |
| 1. | Тўгарак аъзоларининг ижодий ишларидан намуналар чоп эттириш | февраль-май | тўгарак раҳбари, ўқув услубий бошқарма маъсул методисти, факультет раҳбарлари билан ҳамкорликда | тўгарак аъзолари ижодкорликка йўналтирилади |
| 2. | Интернет ва университет портали учун тўгарак аъзоларининг ижодий ишларидан намуналар тақдим этиш | ўқув йили давомида | тўгарак раҳбари факультет раҳбарлари билан ҳамкорликда | интернет ва университет порталига тўгарак аъзоларининг ижодий ишларидан намуналар киритилади |

## ТЎГАРАК МАШҒУЛОТИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР, КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ВА МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Машғулотларни ўтказишда дастлаб талабалар билимини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг "Бумеранг", "Баҳслашув", "Муаммо", ФСМУ, "Елпиғич", "Чархпалак", "Блиц сўров" каби методларни қўллаган ҳолда натюрморт ишлашга оид билимларни фаоллаштириб олиш лозим. Тўгарак машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларнинг **гуруҳларда, кичик гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликдаги** таълим усулларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

**Жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар:** мольберт, планшет, натюрморт учун керакли идиш ва буюмлар, мева ва сабзавот муляжлари, мато

· **компьютер ва мультимедиали воситалар:** ноутбук, компьютер

Тўгарак ишларини ташкил этишда аудио ва видео кассеталардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ўқитишнинг **анъанавий ва илғор услубларини,** жумладан, соҳа мутахассислари билан учрашувлар, **экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, давра суҳбатларини ўтказиш, муаммоли ўқитиш, техник воситаларни қўллаш, экскурсия, аудио-видео имкониятларидан** ва бошқа усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Талабалар билан тўгараклар ишини ташкил этишда тасвирий санъат асарларини замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- талабалар билан тасвирий санъат асарларини таҳлил қилиш жараёнида "ақлий хужум", "дебатлар", "брейнсторминг", "кластер (ахборотни ёйиш)", "синквейн (ахборотни йиғиш)", "аквариум", "чархпалак", "бир сўз шарҳи", "ғоялар баҳси", "матбуот-конференцияси" каби интерфаол методлардан фойдаланиш;
- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мураббий раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;

маълумотларни олдиндан тайёрлаб, гуруҳ талабаларига тарқатиш

· тест саволларини тузиш;



- "таянч" ибораларни ишлаб чиқиб, талабаларга уларни мукаммал ўзлаштиришда кўмаклашиш;
- "таянч" иборалар луғати тутишни ташкил қилиш;
- масофавий ўқитишни ташкил этишда компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланиш;
- иқтидорли талабалар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча машғулот ташкил этиш;
- талабаларда ахлоқийлик қобилиятини ривожлантириш;
- талабаларга ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш.

0912

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

## ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲАЖМИ (НАМУНА)

| *Т/р* | *Машғулот тури* | *Ажратилган соат* | *Ҳафталик машғулот ҳажми* |
|---|---|---|---|
| *1* | *Ижодий фаолият* | 32 | 4 |
| *2* | *Мустақил иш* | 16 | 2 |
| *3* | *Ҳисобот кўргазмаси* | 16 | 2 |
| *4* | *Назоратлар* | *Якуний мониторинг* | 1 |
| | *Жами:* | 64 | 9 |

## МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ 1– ЯРИМ ЙИЛЛИККА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАВЗУЛАР МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА УЛАРГА АЖРАТИЛГАН СОАТЛАРНИНГ МИҚДОРИ

(НАМУНА)

| № | Мавзулар мазмуни | Машғулотлар мақсади | Ажратилган соат |
|---|---|---|---|
| 1. | **Рўзғор буюмлари билан натюрморт композицияси ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш,<br>шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш,<br>ранг-тус нисбатларини топиш,<br>умумлаштириш, якунлаш | натюрморт композициясини мустақил тузиш, тўгарак машғулотида олган билимларини мустаҳкамлаш | **16**<br>4<br>4<br>4<br>4 |
| 2 | **Кузги мевалар билан натюрморт композицияси ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш,<br>шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш,<br>ранг-тус нисбатларини топиш,<br>умумлаштириш, якунлаш | натюрмортда ранглар колоритини ўрганиш, тўгарак машғулотида олган билимларини мустаҳкамлаш | **20**<br>4<br>4<br>4<br>4<br>4 |



| | | | |
|---|---|---|---|
| 3 | **“Олтин куз” мавзули композиция ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш,<br>шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш,<br>ранг-тус нисбатларини топиш,<br>умумлаштириш, якунлаш | **эркин мавзудаги композициялар тузиш, ҳар хил тасвирлаш воситаларидан фойдаланишни ўрганиш** | **16**<br>4<br>4<br>4<br>4 |
| 4 | **“Менинг замондошим” мавзусида рангтасвир композицияси ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш,<br>шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш,<br>ранг-тус нисбатларини топиш,<br>умумлаштириш, якунлаш | **замонавий кишилар ҳаёти ва ижоди ҳақида тасаввурларини ошириш** | **16**<br>4<br>4<br>4<br>4 |
| | | **Жами:** | **68** |

## МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ 2- ЯРИМ ЙИЛЛИККА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАВЗУЛАР МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА УЛАРГА АЖРАТИЛГАН СОАТЛАРНИНГ МИҚДОРИ

(НАМУНА)

| № | **Мавзулар мазмуни** | **Машғулотлар мақсади** | **Ажратилган соат** |
|---|---|---|---|
| 1 | **Уй-рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт:**<br>жойлаштириш, қуриш,<br>шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш,<br>ранг-тус нисбатларини топиш,<br>умумлаштириш, якунлаш | натюрмортда ранглар колоритини ўрганиш, аудиторияда олган билимларини мустаҳкамлаш | **16**<br>4<br>4<br>4<br>4 |
| 2 | **Спорт анжомларидан тузилган натюрморт ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш, | эркин мавзудаги композициялар тузиш, ҳар | **20**<br>4<br>4 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш, ранг-тус нисбатларини топиш, умумлаштириш, якунлаш | хил тасвирлаш воситаларидан фойдаланишни ўрганиш | 4<br>4<br>4 |
| 3 | **Баҳор гулларидан тузилган натюрморт ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш, шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш, ранг-тус нисбатларини топиш, умумлаштириш, якунлаш | натюрмортда ранглар колоритини ўрганиш, аудиторияда олган билимларини мустаҳкамлаш | **16**<br>4<br>4<br>4<br>4 |
| 4 | **Мевали натюрморт ишлаш:**<br>жойлаштириш, қуриш, шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш, ранг-тус нисбатларини топиш, умумлаштириш, якунлаш | натюрмортда ранглар колоритини ўрганиш, аудиторияда олган билимларини мустаҳкамлаш | **16**<br>4<br>4<br>4<br>4 |
| | **Жами:** | | **68** |



## РЎЗҒОР БУЮМЛАРИДАН ТУЗИЛГАН НАТЮРМОРТ КОМПОЗИЦИЯСИ ИШЛАШ

### 1.1. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| Ажратилган соат ҳажми:16 соат | Талабалар сони 10–12 нафар |
| Тўгарак машғулотининг шакли | Мавзу бўйича билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот |
| Машғулотнинг тузилиши<br> | 1. Талабаларни тўгарак машғулотига тайёрлаш.<br>2. Машғулотнинг мақсад ва вазифалари.(Композициядаги кўриш нуқтаси, туташиш нуқтаси, уфқ чизиғини аниқлаш. Натюмортдаги нарсалар перспективаси. Буюмлар тасвири, уларнинг масштаби, жойлашган текисликларни белгиловчи мезонларини ўрганиш)<br>3. Вазифанинг туталланиши |
| ***Машғулотнинг мақсади:*** Талабаларда рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт композицияси ишлашга оид кўникма, малакаларини мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш. | |
| ***Педагогик вазифалар:***<br>– Мавзу бўйича берилган вазифанинг мақсад-вазифалари ҳақида тушунча бериш.<br>– вазифани бажаришнинг босқичлари Яхлитлик қонуни композициясига оид машқларни амалда босқичма-босқич бажариш ишлари ҳақида тушунчалар бериш;<br>– вазифа тўғри бажарилишини назорат қилади; | ***Ўқув фаолиятининг натижалари:***<br>– Берилган вазифа ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида тушунчага эга бўладилар.<br>– Яхлитлик қонуни композициясини амалда босқичма-босқич бажариш ишлари ва унга қўйилаётган талаблар ҳақида маълумотга эга бўладилар;<br>– вазифанинг туталланганлик даражаси ҳақида тушунчага эга бўлади; |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Визуал, мойбўёқлар билан ишлаш технологиясини амалда |

| | |
|---|---|
| | кўрсатиб бериш (мастер-класс) “Қандай диаграмаси”; |
| Ўқитиш воситалари | Ўқув методик қўлланма, кўргазмали плакатлар, уй-рўзғор буюмлари, муляжлар, мато, холсть, мойбуёк, этюдник ёки молберт, мўйқаламлар, эритгичлар |
| Ўқитиш шакли | Оммавий, индивидуал |
| Ўқитиш шарт-шароитлари | Рангтасвир машғулотлари учун жиҳозланган аудитория |

## 1.2. ТЎГАРАК МАШҒУЛОТ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

| Босқичлар вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Тўгарак раҳбари | Талаба |
| 1–босқич Кириш (10 мин) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади<br>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (1– илова)<br>1.3. Ишлаш усулига қараб муаллифини аниқлаш мумкинми?<br>А) ҳа Б) йўқ<br>1.4. БББ жадвали (2– илова) | 1.1. Тинглайди, керакли жойларини ёзиб олади.<br>1.2. Тинглайди, ёзиб олади<br>1.3. Тинглайди, жавоб беради<br>1.4. жадвалнинг 1, 2 шаклларини тўлдиради |
| 2-босқич Асосий (940 мин) | 2.1. Амалий ишлашга рухсат беради.<br>2.2.Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. | 2.1. Амалий вазифани бажаришга киришади.<br>2.2.Ўқув топшириғини бажаради, назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаб боради. |
| 3-босқич Якуний (10 мин) | 3.1. Машғулотта якун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради.<br>3.2. Якуний кўрик ташкил қилади. Талабалар билан бажарилган иш натижаларини таҳлил қилади, баҳоларни эълон қилади. Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади<br>3.3. Мавзуга оид адабиётлар билан таништиради | 3.1. Эшитади, ўз фикрларига аниқлик киритади<br>3.2. Бажарилган ишларни таҳлил қилади, баҳолашда иштирок этади<br>3.3. Эшитади. Ёзиб олади |



*1–илова*

**Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

| Қуриш, жойлаш тириш | Шакл, ҳажм нисбатлари ни тўғри топиш | Соя-ёруғ, тус муносабалари ни тўғри топиш | Портретнинг руҳий ҳолати ва характерини ифодалаш | Умумлаштириш, яхлитлаш, якунлаш ишлари | Жами балл |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 балл | 3 балл | 3 балл | 3 балл | 3 балл | 15 балл |
| | | | | | |

15–13 балл – “аъло”
12–10 балл – “яхши”
9–6 балл – “қониқарли”

*2–илова*

**РАНГТАСВИР УСТАЛАРИ ҚАЙСИ ЖАНРЛАРДА ИШЛАГАНЛИГИНИ ЖАДВАЛГА ЁЗИНГ**

| Ранг тасвир жанрлари | рассомлар | | |
|---|---|---|---|
| | *Европа санъати* | *Рус санъати* | *Ўзбек санъати* |
| Портрет | 1. ...<br>2. ...<br>3. ...<br>4. ...<br>5. ... | 1. ...<br>2. ...<br>3. ...<br>4. ...<br>5. ... | 1. ...<br>2. ...<br>3. ...<br>4. ...<br>5. ... |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Натюрморт | 1. ...<br>2. ...<br>3. ...<br>4. ...<br>5. ... | 6. ...<br>7. ...<br>8. ...<br>9. ...<br>10. ... | 11. ...<br>12. ...<br>13. ...<br>14. ...<br>15. ... |
| Манзара | 1. ...<br>2. ...<br>3. ...<br>4. ...<br>5. ... | 6. ...<br>7. ...<br>8. ...<br>9. ...<br>10. ... | 11. ...<br>12. ...<br>13. ...<br>14. ...<br>15. ... |

**Мавзу:** Рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт композицияси ишлаш

***Режа:***

1. Рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт композициясини жойлаштириш, қуриш;
2. Унга шакл, ҳажм, соя-ёруғ муносабатларига ишлаш;
3. Компазициянинг тус нисбатларини топиш ;
4. Натюрморт композицияси умумлаштириш, якунлаш;

***Тўгарак машғулотининг мақсади:***

Талабаларда рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт композицияси ишлашга оид кўникма, малакаларини мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш.

***Тўгарак фаолиятининг натижаси:*** Талабалар композициянинг яхлитлик қонуни билан танишадилар, амалда композиция эскизлари бажардилар ва унга қўйилаётган талаблар ҳақида маълумотга эга бўлдилар.

**1–ўқув топшириқ**
**«Қандай» органайзерини тўлдиринг**

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.






**Машғулот жараёни**

**Буюмларидан тузилган натюрморт композицияси ишлаш**

Вазифани амалда бажаришга рухсат беради ва шу билан биргаликда талабаларга назарий, керакли жойда амалий ёрдам бериш босқичига ўтилади. Машғулотда вазифани бажаришдаги асосий босқичлар матога жойлаштириш, қуриш, шакл, ҳажм, ёруғ соя, ранг-тус муносабатлари ҳақида маълумот беради. (Қолган машғулотлар жараёнида бу маълумотлар назарий томондан тинимсиз тўлдириб борилади, амалий бажариб кўрсатилиши ҳам мумкин)

– Талабаларни навбатма-навбат чақириб уйда бажарилган ишларини текшириб, баҳолайди ва ўз журналига қайд қилиб қўяди.

Рангтасвир эстетик тарбиянинг самарали воситаси бўлиши билан бирга катта амалий аҳамиятга ҳам эга, чунки у рангларни

кўриш ва ҳис этишга, улардаги нозик товланишларнинг фарқига боришга ўргатади. Бу эса ҳар бир кишининг кундалик ҳаётида зарур. Тасвирий санъатнинг бошқа соҳаларидаги каби натюрморт композициясида ҳам қуйидаги элемент (унсурлар)га амал қилинади:

1. Предметнинг шакли;
2. Предметга тушиб турган ёруғлик;
3. Тасвирланаётган нарсанинг ўзига хос бўлган ранги;
4. Предметнинг фактураси;
5. Предметнинг масофада турган ҳолати ( ҳаво масофаси) кабилар ўз аксини топган бўлса, композиция талаблари тўғри бажарилган ҳисобланади. Натюрморт таркибига кирадиган нарсалар эстетик таъсирчанлик талабларига жавоб берадиган, шакли, ҳажми, материали, сирти (фактураси), ранги ва оч-тўқлиги (тон) билан бир-биридан фарқ қилиши керак. Аммо бу фарқ жуда кескин даражада бўлиши ҳам ноўрин. Масалан, катта челак ёнига қўйилган гугурт қутичасини кўз илғамайди, чунки улар ўртасида узвий боғланиш сезилмайди.

Танлаб олинган нарсаларни предмет текислигида бир-бирига ва фон (орқа сатҳ)га нисбатан қандай жойлаштирилиши натюрмортнинг қизиқарли чиқишига таъсир этади.





Мазмунан бир-бирига монанд нарсаларни танлаб олгандан кейин, улардан шундай бир яхлит гуруҳ ташкил қилиш керакки, у кишида қизиқиш уйғотсин, диққатини ўзига тортиб, албатта, унинг тасвирини яратиш иштиёқини ҳосил қилсин.

Рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт композицияси ишлашда талабалар қуйидаги қонун - қоидаларга амал қилишлари зарур:

1. Белгиланган ихтиёрий қоғоз сиртида тасвирланаётган натурани



чекка қирраларини белгиланган ҳолда уни композицион тўғри жойлаштириш.

2. Натурада жойланган шаклларнинг асосий таянч нуқталарини белгилаб уларнинг бири иккинчисига бўлган нисбатларини перспектив қонун-қоидалар асосида тасвирлаш.

3. Шаклларни чизиқли конструктив равишда қуриш, натурада қўйилган асосий бўлакларини белгилаш.

4. Тасвирланаётган шаклларнинг характерли хусусиятларидаги тушувчи шахсий сояларини белгилаш ва алоҳида бўлакларга ишлов бериш.

5. Натурадаги барча буюмларни тус жихатидан яна бир бор кўриб, қўйилмадаги шаклларнинг характерини аниқлаш ва соя, ярим соя, ёруғ рефлекс жойларини аниқлаш. Буюмни бутун яхлитликка бўйсиндириш ва вазифага якун ясаш.

Ушбу методик кетма-кетликка риоя қилиб тасвирни тўғри бажарган талаба, вазифадаги қўйилган мақсадга эришади ва кейинги вазифаларни аниқ бажаришида муҳим восита ҳисобланади.

Нарсани ўзига қараб тасвирлашда ҳар бир босқич тугагандан сўнг бажарилган буюмларни натурада қуйилганига қараб текшириб, ноаниқ жойларини тўғрилаб бориш зарур. Бу жараённи вазифанинг сўнгги босқичига тўғри олиб борилиши бажарилаётган ишнинг методик асосли чиқишида муҳимдир.

Аудиторияда машғулот пайтида талабаларнинг олган назарий ва амалий билимларини мустақил иш жараёнида ривожлантириб бориш натижасида улар қаламтасвир ва рангтасвир соҳасида тажриба орттиришлари ва келгусида ижодий натюрморт яратишлари мумкин.

Рангтасвир асосларини ўрганишни истайдиган одам атрофдаги оддий, кунда фойдаланадиган нарсаларга рассом кўзи билан қараб уларнинг чиройини кўришга ва бошқалар учун тушунарли қилиб тасвирлашга ўрганиш керак. Натюрморт ишлашда орттирилган тажрибалар орқали мураккаброқ асарлар яратишга замин ҳозирлаган бўладилар, чунки тасвирий санъат асослари ҳам санъат турлари учун деярли бир хил.

## “МЕНИНГ ЗАМОНДОШИМ” МАВЗУСИДА РАНГТАСВИР КОМПОЗИЦИЯСИ ИШЛАШ

### 1.1. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| Вақти – 20 соат | Талабалар сони 12-13 нафар |
|---|---|
| **Машғулотининг шакли** | Мавзу бўйича билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот |
| **Амалий машғулотнинг тузилиши** | 1. Мавзунинг мақсади ва вазифалари.<br>2.Қиёфачи портретини одам анатомияси тузилиши қоидаларига риоя қилган ҳолда тўғри жойлаштириш, конструктив қуриш ишларини бажариш, портретнинг руҳий ҳолати ва характерини ифодалаш, соя-ёруғ ва ранг-тус муносабатларини амалда босқичма-босқич бажариш ишлари<br>3.Вазифанинг тугалланиши |
| ***Тўгарак машғулот мақсади:*** Портрет ишлашда инсон характери, руҳиятини рангда ифодалашни ўрганиш, ишни босқичма-босқич ишлаб бориб, ўз ишининг охирги натижасини олдиндан кўра олиш кўникмаларини шакллантириш | |
| ***Педагогик вазифалар:***<br>– Мавзу бўйича берилган вазифанинг мақсад ва вазифалари ҳақида тушунча бериш.<br>– вазифани бажаришнинг босқичлари (тўғри жойлаштириш, конструктив қуриш, портретнинг руҳий ҳолати ва характерини ифодалаш, соя-ёруғ ва ранг-тус муносабатларини амалда бажариш) ҳақида тушунчалар бериш.<br>– вазифанинг тугалланганлик даражасини назорат қилади. | ***Ўқув фаолиятининг натижалари:***<br>– Берилган вазифа ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида тушунчага эга бўлади.<br>– Қиёфачи портретини қўлигача ишлаш босқичларини (тўғри жойлаштириш, конструктив қуриш, портретнинг руҳий ҳолати ва характерини ифодалаш, соя – ёруғ ва ранг-тус муносабатларини топиш) амалда бажаришни ўрганади,<br>– вазифанинг тугалланганлик даражаси ҳақида тушунчага эга бўлади |
| **Ўқитиш услуби ва техникаси** | Мойбўёқлар техникаси, репродуктив, маҳорат дарси намойиши |
| **Ўқитиш воситалари** | Ўқув қўлланма, видеопроектор, кўргазмали плакатлар, натуршик, мато, холсть, мойбўёк, этюдник ёки молберт, мўйқаламлар, эритгичлар |
| **Ўқитиш шакли** | Оммавий, индивидуал |
| **Ўқитиш шарт-шароитлари** | Мойбўёқда рангтасвир ишлаш машғулотлари учун жиҳозланган аудитория |



### ТЎГАРАК МАШҒУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

| Босқичлар вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич Кириш (20 мин.) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади<br>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (1– илова)<br>1.3. Портрет ишлашда ғоя аҳамиятлими?<br>1) ҳа, 2) йўқ.<br>1.4. БББ жадвали (2-илова) | 1.1. Тинглайди, керакли жойларини ёзиб олади.<br>1.2. Тинглайди, ёзиб олади<br>1.3. Тинглайди, жавоб беради<br>1.4. Жадвалнинг 1, 2 шаклларини тўлдиради |
| 2-босқич Асосий (760 мин) | 2.1. Амалий ишлашга рухсат беради.<br>2.2. Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. | 2.1. Амалий вазифани бажаришга киришади.<br>2.2.Ўқув топшириғини бажаради. Амалий ишлаш билан бирга назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаб боради. |

| | | |
|---|---|---|
| 3-босқич Якуний (20 мин) | 3.1. Машғулотга якун ясайди, тўгарак фаолияти натижаларини умумлаштиради.<br>3.2. Якуний кўрик ташкил қилади. Талабалар билан бажарилган иш натижаларини таҳлил қилади, баҳоларни эълон қилади. Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади.<br>3.3. Мавзуга оид адабиётлар билан таништиради. | 3.1. Эшитади, ўз фикрларига аниқлик киритади.<br>3.2. Бажарилган ишларни таҳлил қилади, баҳолашда иштирок этади.<br>3.3. Эшитади. Ёзиб олади. |

*1–илова*

**7.1. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

| Қуриш, жойлаштириш | Шакл, ҳажм нисбатларини тўғри топиш | Соя–ёруғ, тус муносабаларини тўғри топиш | Портретнинг руҳий ҳолати ва характерини ифодалаш | Умумлаштириш, яхлитлаш, якунлаш ишлари | Жами балл |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 балл | 3 балл | 3 балл | 3 балл | 3 балл | 15 балл |
| | | | | | |

15–13 балл – "аъло"
12–10 балл – "яхши"
9–6 балл – "қониқарли"



*2–илова*

**Б.Б.Б.**

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |
| Ўзбек портретчи рассомлари:<br>1. Абдулхақ Абдуллаев<br>2. Малик Набиев<br>3. Раҳим Аҳмедов<br>4. Рўзи Чориев<br>5. Чингиз Аҳмаров<br>6. ...<br>7. ...<br>8. ...<br>9. ... | | Ўзбек рассомлари портретлари :<br>1.А. Навоий портрети<br>2.Амур Темур портрети<br>3....<br>4....<br>5....<br>6....<br>7....<br>8.... |

## ПОРТРЕТ ЖАНРИ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Тасвирий санъатнинг бу жанрига конкрет бирор инсон (ёки гурух кишилар)нинг ташқи қиёфаси тасвирланган асарлар киради. Ҳар бир портрет ўзида портретга олинган инсонгагина хос бўлган белгиларни ифода этади. Жанрнинг ўзини номи қадим француз сўзидан келиб чиққан бўлиб "қандай белги бўлса, ўшандай тасвирлаш" деган маънони билдиради.

Ваҳоланки, портретда ташқи ўхшашлик, портретнинг бадиий қимматини белгиловчи асосий критерия эмас. Портрет санъати инсоннинг ташқи кўринишини ифода этиш билан бирга унинг қиёфаси орқали маънавий қизиқишлари, социал ҳолати, дунёқараши у яшаган ўша даврнинг типик хусусиятлари мужассам этмоғи талаб этади. Шунингдек, рассом портрет олинувчига нисбатан ҳиссиз, ташқи ва ички хусусиятларини рўйхатга олувчи ҳам эмас, унинг моделга нисбатан шахсий муносабати, дунёқараши, ижодий қарашлари шу асарда маълум бир изларини қолдиради.

XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек портретчи рассомларидан Лутфулла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Малик Набиевлар самарали ижод қилдирлар. Л.Абдуллаевнинг "Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов", "Йўлдош Охунбобоев портрети" каби асарлари реалистик анъаналардан фойдаланиб моҳирона яратилган.



А.Абдуллаев биринчи ўзбек портретчи рассомларидан бири бўлиб, салмоқли ижод қилди. "Аброр Ҳидоятов Отелло ролида", "Ойбек портрети" муаллифнинг бадиий етук асарларидан ҳисобланади. Рассом "Ойбек портрети"да буюк адибнинг сиймосини чуқур ва мукаммал очиб берилган. Рассом бу асарда инсон қиёфасини абадийлаштирибгина қолмай, балки ҳамма юксак инсоний фазилатлар эгаси, оташ қалб,



ҳаяжон ва ташвишга тўла буюк ёзувчининг жонли образини яратди.

Рассомнинг 1982 йилда ишланган "Автопортрети" ни Италиядаги машҳур рассомлар автопортретлари сақланадиган Уффици галереясига қабул қилиниши ўзбек санъатининг улкан ютуғи ҳисобланади.

Раҳим Аҳмедов ўзининг "Сурхандарёлик аёл", "Она ўйлари", "Деҳқон" каби портретларида инсоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзуларини ва гўзал қалбини очиб берган (расм).

Малик Набиев асосан портрет жанрида кўп йиллар ижод қилди. Унинг "Беруний портрети" (1952, Ўзбекистон Давлат санъат музейи), "Амир Темур" (1993) портретлари эталон сифатида қабул қилинган.

А.Абдуллаевнинг "Назарали Ниёзов", П.П.Беньковнинг "Қаҳрамоннинг онаси", "Миллий кийимдаги татар қизи портрети", Б.Жалоловнинг "Комил Ёрматов портрети" каби асарларда ҳам ўзига хос талқин ва рассомларнинг ўз ижодий услублари сезилиб туради

**Тўгарак машғулот жараёни**

Вазифани амалда бажаришга рухсат беради ва шу билан биргаликда талабаларга назарий, керакли жойда амалий ёрдам бериш босқичига ўтилади. Машғулотда қиёфачи портретини рангда ишлаш жараёни, гавданинг анатомик тузилиши, вазифани бажаришдаги асосий босқичлар матога жойлаштириш, қуриш, шакл, ҳажм, ёруғ соя, ранг-тус муносабатлари ҳақида маълумот беради. (Қолган машғулотлар жараёнида бу маълумотлар назарий томондан тинимсиз тўлдириб борилади, амалий бажариб кўрсатилиши ҳам мумкин) Бунда талабалар энг аввало, натурани ифодали қўя олишга эътибор қаратадилар. Яъни, қўйилган натурада албатта рассомнинг мақсади - ғоясини ифодаловчи ҳолат яратилиши керак. Масалан, ўй сураётган (нима хақда), натурадаги шахс кимлиги, натурадаги холатида юз, гавда ва қўлларининг ўзаро мазмунга мослиги назарда тутилади. Қўйилган натура ифодали композицион холатини топишга қаратилади. Унда энг аввало юз, гавда ва қўл характерлари бир - бирларини қўллаб қувваалаган ҳолати топилиши зарур. Ярим гавдали ифодавий портретнинг эскизи яратилади. Талабаларни навбатма-навбат чақириб уйда бажарилган ишларини текшириб, баҳолайди ва ўз журналига қайд қилиб қўяди.

## ПОРТРЕТНИ РАНГДА ИШЛАШ БОСҚИЧЛАРИ











**Машғулотни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Ўзбек портретчилиги биринчи намоёндалари кимлар?
2. Замондошлари портрети галареясини қилган ўзбек рассоми ким?
3. Беруний портрети муаллифи ким?
4. Замонавий ўзбек портретчи рассомларидан кимларни биласиз?

**Барча ишлар натура томонга териб қўйилади, талабалардан навбатма навбат ҳар бир ишнинг (жумладан ўз ишининг ҳам) ютуқ камчиликларини таҳлил қилиш сўралади ва уларда гуруҳга нисбатан ўз ишларини баҳолаш имкониятини пайдо бўлади.**

**Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Уйда мавзуга оид ҳар хил ҳолатдаги одамлар портрети ранглавҳаларини бажариб келиш учун вазифалар берилади.**

**Машғулотларнинг якунланиш босқичида (15-соат) тугалланган ишлар баҳоланади.**

**Мустақил таълим-тарбия жараёни машғулотлари суҳбат, мулоқот (устоз-шогирд), мунозара, мустақил иш (тақдимот) тарзида ташкил этилади. Ушбу машғулотлар қуйидаги алгоритм (билиш, қўллаш, таҳлил қилиш ва натижа) асосида амалга оширилади.**

| | |
|---|---|
| **4. Мустақил иш (тақдимот)** | а) билиш – ўзлаштирилган тушун-чаларни намоён қилишга тайёрлаш;<br>б) қўллаш – тайёрланган тақдимотни намойиш қилиш;<br>в) таҳлил – тақдимот натижасини ҳимоя қилиш, савол–жавоб, таҳлилий хулосалар;<br>г) натижа – тайёрланган тақдимот асосида талабалар билимини баҳолаш. |
| **3. Мунозара** | а) билиш – ўзлаштирилган тушунчалар асосида фикр алмашиш;<br>б) қўллаш – индивидуал ёки гуруҳли шаклда тушун-чалар мазмунини ва йўналишларини белгилаш;<br>в) таҳлил – олинган натижалар асосида таҳлилий баҳс юритиш;<br>г) натижа – натижаларга таҳлилий хулосалар бериш. |
| **2. Мулоқот (Устоз–шогирд)** | а) билиш – асосий тушунчалар ҳақида маълумотга эга бўлиш;<br>б) қўллаш – йўлланма бериш методикаси;<br>в) таҳлил – устоз–шогирд ўртасида ўрганилган маълумотларни таҳлил қилиш;<br>г) натижа – таклиф ва тавсиялар бериш. |
| **1.Суҳбат** | а) билиш – назарий маълумотлар, таянч тушунчалар, қоидалар, тамойиллар асосида материаллар берилади;<br>б) қўллаш – амалга ошириш шакллари, методлари, воситаларини аниқлаш асосида ташкил этилади;<br>в) таҳлил – бажарилиши лозим бўлган таҳлилий асосда берилади;<br>г) натижа – натижаларга хулосалар бериш. |



**Баҳолаш мезонлари**

| Балл | Баҳо | Ўқув-тарбия курси ишларининг бажарилганлик даражаси |
|---|---|---|
| 86 – 100 | Аъло «5» | Суҳбат жараёнида тасвирий санъатга оид тўгарак машғулотларида, шунингдек, мустақил равишда ўзлаштирилган билим-назарий маълумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни тўлиқ ўзлаштирган; берилиши лозим бўлган таҳлилини тўлиқ амалиётта татбиқ эта оладиган, олган билимларни амалга ошириш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларни тўлиқ ўзлаштирган;<br>Мулоқот жараёнида олган билимларни амалга ошириш учун йўл-йўриқларни, асосий тушунчалар мазмунини таркиб топтиришни, устоз шогирд ўртасида ўрганилган маълумотларни тўлиқ ўзлаштирган;<br>Мунозара жараёнида ўзлаштирилган билим ва тушунчалар асосида фанлараро боғланишларни, индивидуал ёки гуруҳли шаклда тушунчалар мазмуни ва йўналишларни белгилашни тўлиқ ўзлаштирган;<br>берилган намуналарга асосланиб мантиқий ечимлар келтирилган, интернет маълумотларидан ижодий таҳлил асосида акс этган, Тасвирий санъат ҳаёти ва ижодига оид маъоумотларни билиш билан бирга улардан ҳар қандай шароитда ижодий фойдаланиш кўникма ва малакаларига эга бўлган талабаларга қўйилади. |
| 71 – 85 | Яхши «4» | Суҳбат жараёнида олган билим-назарий маълумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни етарли даражада ўзлаштирган, берилиши лозим бўлган таҳлилини тўлиқ амалга оширадиган, олган билимларни амалга ошириш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларни тўлиқ ўзлаштирган; мулоқот жараёнида олган билимларни амалиётта татбиқ этиш учун йўл-йўриқларни, асосий тушунчалар мазмунини таркиб топтиришни етарли даражада ўзлаштирган; Тасвирий санъат асарларининг бадиий-эстетик хусусиятларини тўғри баҳолай ҳамда изоҳлай оладиган, янги адабиётлар ва интернет маълумотлари акс этган мустақил ишларга қўйилади. |

| | | |
|---|---|---|
| 55 – 70 | Қониқарли «3» | Тасвирий санъат ҳаёти ва ижодига оид материалларни билишга интиладиган, аммо уларга ижодий ёндашишда бироз қийналадиган, бу борадаги кўникма ва малакалари унчалик юқори бўлмаган, Интернетдаги тайёр маълумотлардангина фойдаланилган мустақил ишларга қўйилади. |
| 0 – 54 | Қониқарсиз «2» | Суҳбат жараёнида олган билим, назарий маълумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни етарли даражада ўзлаштирмаган; лозим бўлган таҳлилни амалга оширолмаган, олган билимларни амалиётга татбиқ этиш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларни ўзлаштирмаган;<br>Тасвирий санъат ҳаёти ва ижодига оид асосий маълумотлар ва улардан фойдаланиш усулларини билмайдиган, бу борадаги мустақил ишларни бажаришга ижодий ёндашмаган, муаммога тегишли адабиётлардан унумли фойдаланмаган, Интернет маълумотларидан фойдаланишда кўчирмачиликка йўл қуйилган ишларга қўйилади. |

**Талабалар рангтасвир машғулотида ўз ишларини композиция жиҳатидан бадиий таҳлил қилиши ва ўз-ўзини баҳолаш мезонлари:**

| № | Мезон тартиби | Баллар | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Аъло "5" | Яхши "4" | Қониқарли "3" | Қониқарсиз "0" |
| 1 | Қоғозга (матога) тўғри жойлаштирилган | | | | |
| 2 | Уфқ чизиғи тўғри топилган | | | | |
| 3 | Ҳажм, ўзаро нисбатлар тўғри топилган | | | | |
| 4 | Перспектива қонунига риоя қилинган | | | | |
| 5 | Соя,ёруғ, рефлекслар тўғри топилган | | | | |
| 6 | Акварель (мойбўёқ) техникасидан тўғри фойдаланилган | | | | |
| 7 | Ҳаво перспективасидан тўғри фойдаланилган | | | | |
| 8 | Ранг ва туслар мутаносиблиги тўғри топилган | | | | |
| 9 | Ашёлар ва тасвирлаш воситаларидан тўғри фойдаланилган | | | | |
| 10 | Вазифа тўлиқ бажарилган | | | | |



**Портрет ишлаш машғулоти учун**

| № | Мезон тартиби | Баллар |
|---|---|---|
| 1 | Қоғозга (матога) тўғри жойлаштирилган | |
| 2 | Уфқ чизиғи тўғри топилган | |
| 3 | Гавда ва юз қисми бўлакларининг ўзаро мутаносиблиги тўғри топилган | |
| 4 | Соя,ёруғ, рефлекслар тўғри топилган | |
| 5 | Акварель (мойбўёқ) техникасидан тўғри фойдаланилган | |
| 6 | Аслига ўхшашлик | |
| 7 | Характер топилган | |
| 8 | Ранг ва туслар мутаносиблиги тўғри топилган | |
| 9 | Фактура (металл, сопол, чинни, мато ва ҳ.к.) тўғри топилган | |
| 10 | Вазифа тўлиқ бажарилган | |

**Композиция машғулоти учун**

| № | Мезон тартиби | | Баллар |
|---|---|---|---|
| 1 | “Олтин кесим” қонуниятига риоя қилинганлик | | |
| 2 | Композициядаги ҳаракат (динамик, статик) | | |
| 3 | Уфқ чизиғи тўғри топилган | | |
| 4 | Мувозанат | | |
| 5 | Ишланиш техникаси тўғри | | |
| 6 | Чизиқли ва ранг перспективаси тўғри акс эттирилган | | |
| 7 | Композициядаги колорит бирлик, уйғунлик топилган | | |
| 8 | Муҳит тўғри ифодаланган | | |
| 9 | Композицион тугалланганлик | | |
| 10 | Ашёлар ва тасвирлаш воситаларидан тўғри фойдаланилган | | |

### МУСТАҚИЛ ИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Талабага мустақил ишни тайёрлашда тўгарак машғулотлари материалларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади:

– тасвирий санъатга оид тўгарак машғулотларида ўрганилиб чиқилган мавзулар бўйича адабиётлар ва ўқув қўлланмаларнинг боблари ва мавзуларини ўрганиш, ижодий иш натижалари индивидуал берилган вазифалар бўйича тайёрланади;

– тасвирий санъат асарларини мустақил равишда таҳлил қилиш, мустақил ижодий ишлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш. Бунда тўгарак аъзоларининг келгуси иш фаолиятларида учрайдиган асарлар таҳлили билан кўпроқ шуғулланишлари режалаштирилади. Ҳар бир аъзонинг мумкин бўлган даражадаги индивидуал ва ижодий ишларининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан яхшиланишига эътибор берилади;

– тасвирий санъат асарлари яратиш устида алоҳида ишлар олиб бориш, хусусан, ҳар хил тасвирлаш ашёлари, ҳар хил тасвирлаш воситалари, техникалар ёрдамида мустақил равишда турли



мавзуларда, жанрларда ижодий асарлар яратишга оид кўникма ва малакаларни такомиллаштириш;

– тасвирий санъат тўгараги машғулотлари мавзулари бўйича адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, қўшимча адабиётлар устида ишлаш ҳамда уларни ўрганиш;

– талабаларнинг мустақил таълим ва тақдимот билан боғлиқ ҳолда махсус курснинг муайян мавзуларини чуқур ўрганиши. Мустақил ишнинг бу шакли барча тўгарак аъзолари учун тавсия этилади;

– интернет материаллари;

– ахборот ресурслар марказидаги мавжуд даврий матбуот материаллари;

– автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш. Бу машғулотларга тайёргарлик доирасида олиб борилади. Мустақил таълимнинг бундай шакли ахборот технологиялари кенг қўлланиладиган Олий таълим муассасаларида ҳам қўлланилиши мумкин.

**Тавсия этилаётган мустақил иш (тақдимот) мавзулари**

1. Композиция тушунчасининг мазмун-моҳияти;
2. Мустақилликка бағишланган композициялар, деворий газеталар чизиш;
3. Мавзули композицияларнинг шахс маънавиятини шаклланишидаги таъсири;
4. Тасвирий санъат асарларида юксак маънавий фазилатлар талқини;
5. Устоз ва мураббийлар кунига бағишланган композициялар, деворий газеталар чизиш;
6. Тасвирий санъат асарларида эзгулик, гўзаллик тасвири ва талқини;
7. Тасвирий санъат асарлари маънавий тарбия умумий ўрта таълим мактаби;
8. “Олтин куз” мавзусида композициялар яратиш (куз мевалари, гуллар, куз манзаралари, кузги меҳнат жабҳалари кўринишлари);
9. Гўзаллик оламни қутқаради;
10. “Гиёҳвандлик – аср вабоси” мавзусида плакатлар композицияси ишлаш;
11. Тасвирий санъатни ўрганиш ва ўргатиш хусусиятлари;

12.“Конституциямиз – фахримиз!” мавзусида композициялар яратиш;

13.“Кумуш қиш” мавзусидаги композициялар яратиш;

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда, улардаги миллий қадриятларимизга нисбатан меҳр уйғотишда, аждодларимиз меъросидан фахр ҳиссининг шакллантирилиши, уларни асраб авайлаш каби маъсулиятнинг пайдо бўлишида тасвирий санъатнинг аҳамияти жуда катта. Зеро санъат ҳаётни гўзаллик қонунлари асосида идрок қилишдир. Гўзал образлар кишиларга ҳаёт маъносини англашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга, қадр-қимматни танишга кўмаклашади.

Гўзаллик инсон маънавий дунёсини бойитади, тарбиясини шакллантиради. Эстетик дид эса гўзал нарсалардан завқ олиш қобилиятидир. Эстетик маъданияти юксак киши маънавий руҳий жиҳатдан баркамол, эътиқодли, ишончли ва диёнатли бўлади.

Муҳтарам талаба!

Биз ушбу методик қўлланмада тўтарак машғулотларида натюрморт ва портрет ишлаш санъати – “тимсол яратиш” ҳақида “хамир учидан патир” қабилида маълумот бериб ўтдик холос. Сиз эса ўз мустақил ҳаракатингиз билан тасвирий санъатнинг ҳар хил жанрларида ижод қилиб, ўзингиз ёқтирган инсонларни тимсолларини яратишга иштиёқ билан киришсангиз, ҳеч шубҳасиз ишонамизки тасвирий ҳолдаги муносабатингиз натижаси кўринади. Портрет ишлашда, натурадан қоралама, хомаки расм, этюдлар бажариб, сўнгра аниқ бир композицион ечимга эга бўлган тасаввурингиздаги инсон сиймосини яратасиз.

Зеро барча буюк рассомларимиз ҳам қаттиқ меҳнат ва тинимсиз изланишлар орқали нодир санъат асарларини яратганлар. Сиз ҳам астойдил портрет асарларини кузатишангиз, ҳаётда ҳаракатдаги инсонларни аниқлашингиз ва тасвирий санъатнинг турли воситаларидан фойдаланиб, “Сиз севган қаҳрамон” портрети яратинг.

Ўзингизни ҳам унутманг, ваҳоланки кўплаб рассомлар ўз автопортретлари билан ҳам ном қозонган. Сизларга ижодий илҳом ва парвозлар тилаймиз.





### АМИР ТЕМУР ПОРТРЕТИ

Портретчи рассом М. Набиевнинг “Амир Темур” портретини синчиклаб кузатинг. Уни таҳлил қилинг. Асарда Малик Набиев А.Темурнинг қайси фазилатларига урғу бермокда?

### АЛИШЕР НАВОИЙ ПОРТРЕТИ ПОРТРЕТИ

Портретни синчиклаб кузатинг. Унинг муаллифини айтинг. Асарни таҳлил қилинг. Асарда рассом Алишер Навоийнинг қайси фазилатларига урғу бермокда?



### Портрет асарларини таҳлил этиш учун саволнома

1. Асарнинг муаллифи ким, у қайси мавзуда яратилган? Асар қачон, қандай материалга ишланган ва у ҳозирда қаерда сақланади?

2. Асар қайси даврда (қачон) яратилган ва унинг давр билан алоқадорлик белгилари нималарда сезилади?

3. Асар қайси тасвирий услубда ишланган ёки қайси оқим ва йўналишларга хосдек туюлади?

4. Асарнинг чизиқли композицион ечими ҳақида фикрларингиз?

5. Асарнинг рангли ечими қай йўсинда ҳал этилган?

6. Асардаги образни сизнингча моҳирона ишланганлигига изоҳ беринг?

7. Асардаги тасвирий воситалар ҳақидаги таҳлилингиз?

8. Ўзбекистон тасвирий санъати ривожи ҳақидаги мулоҳазаларингиз?

9. Асари таҳлил этилган ушбу рассом ҳақида яна қандай маълумот бера оласиз?

10. Сиз ўзингиз қандай мавзуда ижодий иш олиб бораяпсиз ёки тасвирий санъатнинг қайси йўналиши бўйича ижодий иш олиб бормоқчисиз?

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ:**

Малик Набиевнинг қандай портретларини биласиз?

- Беруний портрети
- Бобур портрети
- Амир Темур портрети
- Ибн Сино
- Жомий ва Навоий
- Ал-Розий
- Рудакий
- Ал-Хоразмий

Малик Набиевнинг тарихий жанрдаги қандай асарларини биласиз?

- XVII асрдаги Самаркандда хунармандлар қўзғолони
- Спитамен қўзғолони
- Жиззахдаги 16-йилги қўзғолон



**1. Қуйидаги рассомларнинг портрет жанридаги асарларини жадвалга ёзинг**

1. Алишер Навоий портрети; 2. Она ўйлари; 3. Рудакий портрети; 4. Ибн Сино портрети; 5. Аброр Ҳидоятов портрети; 6. Деҳқон портрети; 7. Бобур портрети ; 8. Шахло портрети ; 9. Ойбек портрети; 10. Амир Темур портрети; 11. Сухондарёлик аёл; 12. Назарали Ниёзов портрети

| Абдулҳақ Абдуллаев | Раҳим Аҳмедов | Малик Набиев |
|---|---|---|
| | | |

**2. Қуйидаги рассомларнинг портрет жанридаги асарларини жадвалга ёзинг**

1. Ёзувчи Шухрат портрети; 2. Ал-Хоразмий портрети; 3. Пўлат Қаюмов портрети; 4. Шомаҳмудов портрети; 5. Деҳқон Мирғаниев портрети; 6. Беруний портрети; 7. Уйғур раққоси портрети; 8. Ал-Розий портрети; 9. Саид Ахмад портрети; 10. Саид Азим портрети; 11. Комил Яшин портрети;

| Абдулҳақ Абдуллаев | Раҳим Аҳмедов | Малик Набиев |
|---|---|---|
| | | |

**3. Асар муаллифларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг**

*1) Р. Аҳмедов; 2) М. Набиев; 3) П. Кристус; 4) Л. Да Винчи; 5) А. Абдуллаев; 6) И. Репин; 7) П. Беньков*

a) "Ёш қиз портрети"; b) "Татар қизи"; c) "Она ўйлари"; d) Алишер Навоий; e) Беруний портрети; f) Мона Лиза; g) Эркак портрети;



**4. Портретни бажаришдаги тасвирлаш материалларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг.** *Мойбўёқ; 2) акварел; 3) ретуш; 4) туш; 5) кўмир; 6) қалам; 7) соус;*

**1. Бўёқларни уларнинг хусусиятлари билан жуфтланг**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | гуаш | A | Елимли бўёқ, суюлтиргич сифатида сувдан фойдаланилади, тез қотади, қуригандан кейин сувда эримайди. |
| 2 | акварел | B | Казеинли бўёқ, сувда суюлтирилади, ҳидсиз, қуригандан кейин сувда эримайди, узоқ муддатлар рангини ўзгартирмайди. |
| 3 | мойбўёқ | C | Сувда суюлтирилади, елимли бўёқ. Қуригандан кейин ранги очариш хусусиятига эга, қуригандан кейин намликда эрийди. |
| 4 | акрил | D | Сувли бўёқ, ҳидсиз, устма–уст қўйиш орқали ранглар пайо қилинади, қуригандан кейин ҳам сувда эрийди. |
| | темпера | E | Сувда эримайди, ўзига хос ҳидли, махсус суюлтиргичлар билан ишлатилади, қуригандан сўнг тўқлашиш хусусиятига эга. |
| Жавоб: | 1– | 2 – | 3 – 4 – 5– |



**6. Берилган таърифни атамалар билан жуфтланг**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | **Пластик ечим** | A | тасвир чизилаётган сатҳ, мато, полотно, қоғоз юзаси. |
| 2 | **Картина текислиги** | B | тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши. |
| 3 | **Мувозанат** | C | ўқув натюрморти ёки композиция, тасвирининг қисмлари, ранглар, ўлчам, шаклнинг ўзаро мос келиши, сатҳ оғирлиги мутаносиблиги. |
| 4 | **Мутаносиблик (гармония)** | D | қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик асарларида шакл жозибадорлиги |
| Жавоб: | 1– | 2 – | 3 – 4 – |

**7. Тасвирий санъатнинг тур ва жанрларини ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг** ***жавоб рақамлар*** **қисмига ёзинг**
*1) натюрморт; 2) ҳайкалтарошлик; 3) анималистик; 4) тарихий; 5) рангтасвир: 6) графика; 7) портрет; 8) маринистик; 9) маиший; 10) дастгоҳли рантасвир; 11) манзара; 12) саҳна безаги;*

| белгилар тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Тур | |
| Жанр | |

**8. Берилган тасвирий санъат атамаларига мос рақамларни жадвалнинг рақамлар қисмига тўғри ёзинг**

| № | Мисол | № | Мисол | Гаммалар | Рақамлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | дастгоҳли | 6 | литография | Рангтасвир турлари | |
| 2 | ксилография | 7 | китоб графикаси | | |
| 3 | офорт | 8 | маҳобатли | Графика турлари | |
| 4 | линогравюра | 9 | гравюра | | |
| 5 | мўжаз | 10 | саҳна безаги | | |

**9. Малик Набиев (А), Раҳим Аҳмедов (Б) Абдулҳақ Абдуллаев (С) асарларини аниқланг ва жадвалнинг "жавоб" қисмига ёзинг**

| | |
|---|---|
| 1. Алишер Навоий портрети | 6. Деҳқон портрети |
| 2. Она ўйлари | 7. Бобур портрети |
| 3. Ибн Сино | 8. Шахло портрети |
| 4. Рудакий | 9. Ойбек портрети |
| 5. Аброр Ҳидоятов портрети | 10. Амир Темур портрети |

**10. Манзара, портрет ва тарихий жанрларда ишлайдиган рассомларни ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг**

*1) Илья Репин; 2) Ўрол Тансиқбоев; 3) В. Суриков: 4) Клод Моне; 5) Иван Шишкин; 6) Л. да Винчи; 7) Куинджи; 8) И. Левитан; 9) Алишер Алиқулов; 10) Малик Набиев; 11) Карл Брюллов; 12) Абдулҳақ Абдуллаев;*

**Жавоби:**

| Тасвирий санъат жанрлари | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Портрет | |
| Манзара | |
| Тарихий | |

**11. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри?**

A. Мойбўёқда қоғозга ишланади.

B. Акриль бўёғи сув билан эритилади.

C. Портретда юз нисбатлари 3 қисмга бўлиб ишланади.

D. Статик ҳолат – бу ҳаракатдаги ҳолат.

E. Алоҳида қисмларнинг умумийга, иккинчи даражадаги нарсаларнинг асосийга бўйсуниши, барча қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги, бажариш усулларининг бир хиллиги тасвир яхлитлиги дейилади.

F. Буюмнинг ёруғлик тушмасдан сояда қолган қисмидаги соя шахсий соя дейилади.

G. Портрет ишланганда қош кўзни чизишдан бошланади.

**Жавоб:**

| A | B | C | D | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |



**12. *Талабаларнинг таҳлилига оид ўкув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш учун фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

**1.** Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри?

A. Портрет ишлашда мутаносиблик жуда аҳамиятли ҳисобланади

B. Портрет ишлашда қўлни ишлаш унча аҳамиятли эмас.

C. Одам боши гавданинг ўртача 7,5/1 ўлчамига тенг.

Д. Инсон портретини ишлашда қошнинг аҳамияти катта.

E. Портрет ишлашда "олтин кесим" қоидасига амал қилиш шарт эмас.

F. Картинанинг маркази асар ғояси маркази бўлади.

G. портретда кўз, бурун таги, даҳанни эътибор билан ишлаш зарур.

**Жавоб:**

| A | Б | C | D | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**13. Рангтасирда натюрморт ишлаш кетма – кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга ёзинг**

*1) шакл нисбатларини топиш; 2) жойлаштириш; 3) ранг тус нисбатларини топиш; 4) якунлаш; 5) соя ёруғ нисбатларини топиш; 6) формат танлаш; 7) яхлитлаш;*



**14. Асар яратишда рассом ҳаракатини схемада ифодаланг**

*1) яхлитлаш; 2) ранг бериш; 3) ғоя излаш; 4) суратни асосий юзага кўчириш; 5) эскиз ишлаш; 6) формат танлаш;*

**Жавоб:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

**15. Қуйидаги бериладиган фикрларнинг қайсилари тўғри?**

A. Портрет композицияси ишлашда гавда, кўз қараши, атрофидаги нарсалар мавзуни очиб беришга хизмат қилади.

B. Одам бошини ўрганиш учун чизилган қаламтасвир портрет дейилади.

C. Маринистик жанрда ишлашда образ бўлиши шарт эмас.

D. Композициядаги энг муҳим нарса ғоя ҳисобланади.

E. Мувозанат композициядаги асосий унсурлардан бири ҳисобланади.

F. Миниатюрачи мусаввир Камолиддин Беҳзод рассом ҳисобланмайди.

**Жавоб:**

| A | B | C | D | E | F |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

**16.Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг**

1) Тасвир чизилаётган сатҳ, мато, полотно, қоғоз юзаси__________дейилади.

2) Тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиш жиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши.

______________дейилади.

**17. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри? Жавоблар жадвалига "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини ёзинг.**

A. Акварелда яхши портрет ишлаб бўлмайди.

B. Алоҳида қисмларнинг умумийга, иккинчи даражадаги нарсаларнинг асосийга бўйсуниши, барча қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги, бажариш усулларининг бир хиллиги бу–тасвир яхлитлиги ҳисобланади.

C. Анимал жанр –ҳайвонлар ҳаракатини ўрганувчи фан

D. Мураккаб ва нозик кўл ҳаракатларни бажаришда, айниқса, кўл бош бармоғининг роли ниҳоятда катта.

E. Этюд – бу рангда тезкор бажарилган иш, ранглавҳа.

F. Бадиий услуб – бу санъатда кўлланиладиган усул.

G. Академизм– бу тасвирий санъатда академия тингловчилари оқими.

**Жавоб:**

| A | B | C | Д | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**18. Тўғри фикрларни аниқланг. Жавоблар жадвалига "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини ёзинг. Мойбўёқда академик портрет ишлашда:**

1. Фотодаги расмдан қараб ишланади.
2. Холстга жойлаштириб олинади.
3. Қоғозни яхшилаб ҳўлланади.
4. Чизғич билан қиёфачи юзлари ўлчанади.



5. Кўзига алоҳида эътибор қаратилади.
6. Сунъий ёритқичларда тепа қисмидан ёруғлик берилади.
7. Аввал эскиз ишлаб олинади.
8. Аввал рангда катта юзалар аниқлаштирилади.
9. Қиёфачининг майда холлари аниқлаб рлинади.

**Жавоб:**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | |

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ ЖАВОБЛАРИ**

1. Қуйидаги рассомларнинг портрет жанридаги асарларини жадвалга ёзинг.

| Абдулҳақ Абдуллаев | Раҳим Аҳмедов | Малик Набиев |
|---|---|---|
| 1. Алишер Навоий портрети; 5. Аброр Ҳидоятов портрети; 9.Ойбек портрети; 12.Назарали Ниёзов портрети | 2.Она ўйлари; 6.Деҳқон портрети; 8. Шахло портрети; 11.Сухондарёлик аёл | 3. Рудакий портрети; 4. Ибн Сино портрети; 7. Бобур портрети; 10.Амир Темур портрети |

**2. Қуйидаги рассомларнинг портрет жанридаги асарларини жадвалга ёзинг.**

| Абдулҳақ Абдуллаев | Раҳим Аҳмедов | Малик Набиев |
|---|---|---|
| 1. Ёзувчи Шухрат портрети; 4.Шомаҳмудов портрети; 7. Уйғур раққоси портрети; 11.Комил Яшин портрети | 3.Пўлат Қаюмов портрети; 5. Деҳқон Мирғаниев портрети; 9.Саид Аҳмад портрети; 10.Саид Азим портрети | 2.Ал-Хоразмий портрети; 6.Беруний портрети; 8.Ал-Розий портрети |

**3. Асар муаллифларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг. Жавоби:**



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5–d | 1–c | 6–g | 2–e | 3–a | 4–f | 7–b |

**4.Портретни бажаришдаги тасвирлаш материалларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расм остига мос рақамларни ёзинг.**
*1) мойбўёқ 2) акварел 3) ретуш 4) туш 5) кўмир 6)қалам 7) соус*

**2) Жавоби:**

**2. Бўёқларни уларнинг хусусиятлари билан жуфтланг.**



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | 3 | 1 | 2 | 5 | 4 | 6 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | гуаш | A | Елимли бўёқ, суюлтиргич сифатида сувдан фойдаланилади, тез қотади, қуригандан кейин сувда эримайди. |
| 2 | акварел | B | Казеинли бўёқ, сувда суюлтирилади, ҳидсиз, қуригандан кейин сувда эримайди, узоқ муддатлар рангини ўзгартирмайди. |
| 3 | мойбўёқ | C | Сувда суюлтирилади, елимли бўёқ. Қуригандан кейин ранги очариш хусусиятига эга, қуригандан кейин намликда эрийди. |
| 4 | акрил | D | Сувли бўёқ, ҳидсиз, устма–уст қўйиш орқали ранглар пайо қилинади, қуригандан кейин ҳам сувда эрийди. |
| | темпера | E | Сувда эримайди, ўзига хос ҳидли, махсус суюлтиргичлар билан ишлатилади, қуригандан сўнг тўқлашиш хусусиятига эга. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Жавоб: | 1–C | 2 –D | 3 – E | 4 – A | 5–B |



**6. Берилган таърифни атамалар билан жуфтланг**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | **Пластик ечим** | A | тасвир чизилаётган сатҳ, мато, полотно, қоғоз юзаси. |
| 2 | **Картина текислиги** | B | тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши. |
| 3 | **Мувозанат** | C | ўқув натюрморти ёки композиция, тасвирининг қисмлари, ранглар, ўлчам, шаклнинг ўзаро мос келиши, сатҳ оғирлиги мутаносиблиги. |
| 4 | **Мутаносиблик (гармония)** | D | қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик асарларида шакл жозибадорлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Жавоб: | 1–D | 2 –A | 3 –B | 4 – C |

**7. Тасвирий санъатнинг тур ва жанрларини ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг**
*1) натюрморт; 2) ҳайкалтарошлик; 3) анималистик; 4) тарихий; 5) рангтасвир: 6) графика; 7) портрет; 8) маринистик; 9) маиший;10) дастгоҳли рантасвир; 11) манзара; 12) саҳна безаги;*
**Жавоби:**

| белгилар тури | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Тур | 2, 5, 6, 12 |
| Жанр | 1, 3, 4, 7, 8, 9, 10,11 |

**8. Берилган тасвирий санъат атамаларига мос рақамларни жадвалнинг рақамлар қисмига тўғри ёзинг. Жавоби:**

| № | Мисол | № | Мисол | Гаммалар | Рақамлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | дастгоҳли | 6 | литография | Рангтасвир турлари | 1; 5; 8; 10. |
| 2 | ксилография | 7 | китоб графикаси | | |
| 3 | офорт | 8 | маҳобатли | Графика турлари | 2; 3; 4; 6; 7; 9. |
| 4 | линогравюра | 9 | гравюра | | |
| 5 | мўжаз | 10 | саҳна безаги | | |

**9. Малик Набиев (А), Раҳим Аҳмедов (В) Абдулҳақ Абдуллаев (С) асарларини аниқланг ва жадвалнинг "жавоб" қисмига ёзинг. Жавоби:**

| | |
|---|---|
| 1. Алишер Навоий портрети | 6. Деҳқон портрети |
| 2. Она ўйлари | 7. Бобур портрети |
| 3. Ибн Сино | 8. Шахло портрети |
| 4. Рудакий | 9. Ойбек портрети |
| 5. Аброр Ҳидоятов портрети | 10. Амир Темур портрети |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жавоб** | **А – 3; 4; 7; 10** | **В – 2; 6; 8;** | **С – 1; 5; 9** |

**10. Манзара, портрет ва тарихий жанрларда ишлайдиган рассомларни ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг *жавоб рақамлар* қисмига ёзинг.**

*1) Илья Репин; 2) Ўрол Тансиқбоев; 3) В. Суриков: 4) Клод Моне; 5) Иван Шишкин; 6) Л. да Винчи; 7) Куинджи; 8) И. Левитан; 9) Алишер Алиқулов; 10) Малик Набиев; 11) Карл Брюллов; 12) Абдулҳақ. Абдуллаев;*

**Жавоби:**

| Тасвирий санъат жанрлари | жавоб рақамлар |
|---|---|
| Портрет | 1; 6; 10; 12 |
| Манзара | 2; 4; 5; 7 |
| Тарихий | 3; 9; 11; |



**11. Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри?**

A. Мойбўёқда қоғозга ишланади.

B. Акриль бўёғи сув билан эритилади.

C. Портретда юз нисбатлари 3 қисмга бўлиб ишланади.

D. Статик ҳолат-бу ҳаракатдаги ҳолат.

E. Алоҳида қисмларнинг умумийга, иккинчи даражадаги нарсаларнинг асосийга бўйсуниши, барча қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги, бажариш усулларининг бир хиллиги тасвир яхлитлиги дейилади.

F. Буюмнинг ёруғлик тушмасдан сояда қолган қисмидаги соя шахсий соя дейилади.

G. Портрет ишланганда қош кўзни чизишдан бошланади.

**Жавоб:**

| A | Б | C | D | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| йўқ | ҳа | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | йўқ |

**12. *Талабаларнинг Блум таксономияси бўйича таҳлилга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари***

**1.** Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри?

A. Портрет ишлашда мутаносиблик жуда аҳамиятли ҳисобланади

B. Портрет ишлашда қўлни ишлаш унча аҳамиятли эмас.

C. Одам боши гавданинг ўртача 7,5/1 ўлчамига тенг.

D. Инсон портретини ишлашда қошнинг аҳамияти катта.

E. Портрет ишлашда "олтин кесим" қоидасига амал қилиш шарт эмас.

F. Картинанинг маркази асар ғояси маркази бўлади.

G. Портретда кўз, бурун таги, даҳанни эътибор билан ишлаш зарур.

**Жавоб:**

| A | Б | C | D | E | F | G |
|---|---|---|---|---|---|---|
| тўғри | нотўғри | тўғри | нотўғри | нотўғри | нотўғри | ҳа |

**13. Рангтасирда натюрморт ишлаш кетма – кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.**

*1) шакл нисбатларини топиш; 2) жойлаштириш; 3) ранг-тус нисбатларини топиш; 4) якунлаш; 5) соя-ёруғ нисбатларини топиш; 6) формат танлаш; 7) яхлитлаш;*

6 → 2 → 1 → 3 → 5 → 7 → 4

**14. Асар яратишда рассом ҳаракатини схемада ифодаланг.**

*1) яхлитлаш; 2) ранг бериш; 3) ғоя излаш; 4) суратни асосий юзага кўчириш; 5) эскиз ишлаш; 6) формат танлаш;*

**Жавоби:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 6 | 5 | 4 | 2 | 1 |

**15. Қуйидаги бериладиган фикрларнинг қайсилари тўғри?**

А. Портрет композицияси ишлашда гавда, кўз қараши, атрофидаги нарсалар мавзуни очиб беришга хизмат қилади.

В. Одам бошини ўрганиш учун чизилган қаламтасвир портрет дейилади.

С. Маринистик жанрда ишлашда образ бўлиши шарт эмас.

D. Композициядаги энг муҳим нарса ғоя ҳисобланади.

Е. Мувозанат композициядаги асосий унсурлардан бири ҳисобланади.

F. Минатюрачи мусаввир Камолиддин Беҳзод рассом ҳисобланмайди.

**Жавоб:**

| A | B | C | D | E | F |
|---|---|---|---|---|---|
| тўғри | нотўғри | нотўғри | тўғри | тўғри | нотўғри |

**16. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг.**

**Жавоб:**

1) Тасвир чизилаётган сатҳ, мато, полотно, қоғоз юзаси картина текислиги дейилади.

Тасвир объекти ёки тасвирнинг турли қисмларининг (ўлчам, ранг тузилиш жиҳатидан) ўзаро боғланиб, гўзаллик меъзонига мос бўлиши мутаносиблик (гармония) дейилади.

**17. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри? Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг.**

